



“ХАБЕАС КОРПУС” ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Одилов Азизбек Арибжонович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактабининг тингловчиси
nemnes@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8001602>

ARTICLE INFO

Received: 26th May 2023

Accepted: 30th May 2023

Online: 31th May 2023

KEY WORDS

“Хабеас корпус” институти, урф-одат, ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ тизими, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ, жиноят процесси, Конституция, суд, тергов, қамоққа олиш, уй қамоғи.

ABSTRACT

Мазкур мақолада “Хабеас корпус” институти тушунчаси ва унинг жиноят-процессуал ҳуқуқининг муҳим институти сифатида шаклланишига масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида “Хабеас корпус” институтининг тамойилларининг ҳуқуқ норма сифатида эътироф этилиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил этилган.

Халқ орасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан шикоятлар учраб турадиган ҳолат ҳисобланади. Айрим ўринларда муайян шахснинг қўлга олиниш ҳолатлари юз беради ва энг ёмони кўпинча бунинг сабаблари етарлича тушунтирилмайди ёки изоҳланмайди. Ўз ҳуқуқларини яхши билмаган одамлар эса ҳибсга олинганда ёки тергов жараёнида нима қилиш кераклигини билмайди. Шахснинг қўлга олинишида унга бунинг сабаблари тушунтирилмагани ҳолатида инсон қадр таъминланмайди.

Натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари улар қўлга олинган вақтдаёқ хавф остида қолади. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ривожланган давлатларнинг Конституция ва қонунларида акс этган “Хабеас корпус” институтлари ишга тушади. Ушбу институтлар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, “Хабеас корпус акти” – бу шахс ўзининг ҳибсга олинишига қарши суд орқали эътироз билдириши учун асосий ҳуқуқ бўлиб, Британия ҳуқуқ тизимининг асоси сифатида асрлар давомида шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ишлатилган¹.

“Хабеас корпус” (Habeas Corpus) атамаси латинча “таънани, шахсни (судга) келтириш” маъносини англатади. Ғарб давлатларида жиноий таъқибга учраган, ҳибсга

¹ [Charles II. 1679: An Act for the better secureing the Liberty of the Subject and for Prevention of Imprisonments beyond the Seas. | British History Online](https://www.british-history.ac.uk) (англ.). www.british-history.ac.uk. Дата обращения: 27 января 2020. Архивировано 3 ноября 2018 года.



олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини “Хабеас корпус” деб номлаш одат тусига кирган.

Ушбу институт дастлаб XII асрдан бошлаб Англияда қўлланила бошлаган. XIV асрда Эдуард I қироллиги даврида эса, ушбу амалиёт урф-одатга айлана бошлаган. Мазкур урф-одат ўз навбатида инсон ҳуқуқлари масаласида норматив ҳужжат сифатида 1679 йил 26 май куни Англияда қабул қилинган «Фуқаро эркинлигини янада яхшироқ таъминлаш ва денгиздан ташқари ҳудудларда асоссиз ҳибсга олишларининг олдини олиш тўғрисида» ги қонун ёки “Хабеас корпус акт”²да акс этди.

Қонунда ҳибсга олинган ҳар қандай шахс тегишли муддатда судга олиб борилиши, суд ҳибсга олишни ноқонуний деб топса, шахс озод қилиниши, айблов томон шахсни ҳибсга олиш учун етарли далилларни тақдим эта олмаган ҳолларда “Хабеас корпус” қонуни шахсни ҳибсга олишга эътироз билдириш учун ҳам ишлатилган. Бундай ҳолларда суд шахсни озод қилиш тўғрисида қарор чиқариши мумкинлиги белгилаб ўтилган.

Қонун асрлар давомида шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ишлатилган ва кўплаб давлатларнинг ҳуқуқ тизимида “Хабеас корпус акти”нинг тамойиллари қабул қилинган.

Дунё амалиётида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик ривожланишининг эътиборли жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқлари бўйича айрим нормалар дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларга айланган.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг муҳим институтларидан бири “Хабеас корпус акти” ҳам дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро даражада умумэътироф этилган ҳужжат сифатида тан олинган инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга оид жаҳон мамлакатлари қонунчилигининг фундаментал асосини ташкил этиши билан бирга ушбу соҳа ривожини йўлида ўзига хос янги даврга асос солди.

“Хабеас корпус” институти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида курашлар тарихида ўзига хос из қолдирган, миллий жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда, “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши билан жорий қилина бошланди. Мазкур ислоҳот билан суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш масаласида, хусусан, шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллашда татбиқ этилишини тақозо этди.

2012 йилнинг 18 сентябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш

² О дискуссии по вопросу о возникновении Habeas Corpus см.: Joseph Dale Robertson. Habeas Corpus The most extraordinary writ // доступно в Интернете по адресу: <http://www.habeascorp.net/asp/>, С.А. Пашин. Анализ законодательства стран Центральной Азии (Казахстан, Узбекистан, Кыргызстан) о введении судебного санкционирования ареста. Центр исследования правовой политики (LPRC), Алматы, 2009, С. 11-12, также доступно в Интернете по адресу: http://www.lprc.kz/ru/index.php?option=com_content&task=view&id=74



ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айрим нормаларига, шу жумладан, 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чоралари фақат суднинг санкцияси асосида қўллаш тартиби қонунда мустақамланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги қонун билан Жиноят-процессуал кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, белгиланган эҳтиёт чоралари доираси кенгайтирилди, унга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш ҳамда унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилди, бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги қонуни билан “Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш”, 2019 йил 28 августдаги қонуни билан эса “Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш” бевосита суднинг ажрими билан амалга оширилиши белгилаб ўтилди.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси тасдиқланиши мамлакатимизда амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотларнинг ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институционал механизмларини яратишнинг муҳим босқичига олиб чиқди.

Хусусан, Миллий стратегияда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида умумэтироф этилган принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар нормаларининг кенг қўлланишини таъминлайдиган самарали механизм яратиш ҳамда “Хабеас корпус” институтини янада такомиллаштириш орқали судларнинг мустақиллиги ва холислигини ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида суд ҳокимиятининг ролини тубдан ошириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш белгиланди³.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги қонун билан ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан (эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти) эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этилиши белгиланган.

Амалга ошириладиган ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида одил судловга эришиш даражасини оширишда “Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали

³ [ПФ-6012-сон 22.06.2020. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида \(lex.uz\)](#)



тергов устидан суд назоратини кучайтириш⁴ устувор вазифа сифатида белгиланиши “Хабеас корпус” институтининг тамойилларини миллий қонунчилигимизда янада кенгроқ акс эттириш учун муҳим омил бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида “Хабеас корпус” институтини ривожлантириш зарурлиги, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани ҳамда суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқача турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган муддатда қабул қилинмаса, бундай шахсни дарҳол озод қилиш кераклиги ҳақидаги нормаларни Конституцияда акс эттириш юзасидан таклифларини билдирган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида “Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас”⁵лиги ҳамда қатъий норма сифатида белгилаб ўтилди. Ушбу норма тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асосиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилгандир.

“Хабеас корпус” институти доирасини кенгайтириш жараёнининг мантиқий давоми сифатида хусусий мулк дахлсизлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини чеклашга оид тергов ҳаракатларининг барчаси (телефон ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш, тинтув, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, мол-мулкни хатлаш) фақат суднинг рухсати билан ўтказилиши тартиби Конституциявий норма сифатида белгиланди.

Янги таҳрирдаги конституциявий нормага биноан, мазкур ҳуқуқларнинг чекланишига фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда, суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Конституциямизнинг янги таҳририда, мазкур қоида билан фуқароларнинг шахсий ҳаёт, уй-жой ва хусусий мулк дахлсизлиги ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди.

Энди терговчи, суриштирувчи ва прокурор тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш ва мулкни хатлаш заруратини судга асослантириши керак бўлади⁶.

Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабеас корпус” институтини қўлланиш кўлами янада кенгайди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Хабеас корпус акт – бу шахс эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суднинг қарори асосида амалга оширилиши шартлиги талаби ҳисобланади ва шахсий эркинлик дахлсизлигини

⁴ [ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида \(lex.uz\)](#)

⁵ [30.04.2023. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси \(lex.uz\)](#),

⁶ С.Раҳмонова, ю.ф.д., профессор “Миранда қоидаси” ва “Хабеас корпус” институти-ҳуқуқларимизнинг муҳим конституциявий кафолати” <https://gk-usbekistan.de/uz/2023/03/23/ozbekcha>



кафолатлаб, тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган.